

Qishloq hayoti

Қишлоқ ҳаёти

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2012-YIL 15-IYUN, JUMA, 71 (7996) - son

1974-yil 1-yanvardan chiqqan boshlagan
Bahosi kelishilgan narxda.



Гулистон шаҳрида ойига 200 тонна калава ип ишлаб чиқариш қувватига эга "Барака текс" корхонаси ишга туширилди. Хорижий сармоядорлар томонидан 4,5 миллион АҚШ доллари қийматида тўғридан-тўғри инвестиция қилиниб, ўзлаштирилган корхонада 170 та янги иш ўрни яратилди.



Президентимиз томонидан қабул қилинган мелиорацияга доир фармонга мувофиқ, бир қатор ташкилотлар, жумладан, "Ўзмелиомашлизинг" компанияси айрим солиқларни тўловдан озод қилинган. Шу имтиёз тўғрисида маблағлар мелиорация соҳаси учун техника воситалари етказиб берилишини молиялаштириш манбаларини тўлдиришга йўналтирилмоқда.



1996 йилда ташкил этилган Миллий кинология маркази ўтган давр мобайнида нафақат республикамизда, балки Марказий Осиё минтақасида кинологлар ва хизмат итлари тайёрловчи таянч ўқув марказига айланди. 2008 йилда маркази фаолияти юксак баҳолалиб, Жаҳон божхона ташкилоти томонидан минтақавий марказ мақоми берилди.

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ШУ ЙИЛ 5-7 ИЮНЬ КУНЛАРИ ХИТОЙГА РАСМИЙ ТАШРИФИ ЎЗАРО ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧНИ, ИККИ ТОМОНЛАМА МУНОСАБАТЛАР РИВОЖИДА ЯНГИ ДАВРНИ БОШЛАБ БЕРДИ

Қадим тамаддун бешиклари билан бўлган Ўзбекистон ва Хитой чуқур тарихий илдишларга эга, ўзаро ҳурмат ва манфаатдорликка асосланган анъанавий дўстлик ва ҳамкорлик ришталарини бугунги кунда ҳам изчил ривожлантириб бормоқда. Хитой мамлакатимиз мустақиллигини биринчилар қатори тан олганини алоҳида таъкидлаш жоиздир. Тошкентда 1992 йил 2 январь кунли дипломатик муносабатларни ўрнатиш тўғрисидаги қўшма қароримиз имзоланиши билан давлатларимиз ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилган.



Бугунги кунда ўзаро муносабатлар замон талабларига мос равишда барча йўналишларда изчил ривожланмоқда. Давлатларимиз раҳбарлари ўртасида қарор топган ўзаро ишонч ва очиқликка йўналган дўстона муносабатлар ҳамкорлик қўламни муттасил кенгайтириб, янги мазмун билан бойитишга хизмат қилмоқда. Давлат раҳбарлари, вазирлик ва идоралар, илмий доиралар, маданият ва санъат намоёндалари, иш одамлари даражасидаги учрашувлар мунтазамлик касб этгани ҳам икки томонлама муносабатлар ўзаро манфаатдорлик, ишонч ва ҳурмат асосида равишда раҳбарларимиз билан давлатларимиз ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилган.

Батларни стратегик ҳамкорлик даражасига кўтаришдан манфаатдор эканини билдирди. Мамлакатларимиз ўртасида Стратегик шериклик ўрнатиш тўғрисидаги қўшма декларациянинг Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги дипломатия муносабатларининг 20 йиллиги кенг нишонланаётган пайтда қабул қилиниши ҳам ўзига хос рамзий маънога эга.

Мазкур ҳужжатда сиёсий, савдо-иқтисодий, молиявий-иқтисодий, транспорт-коммуникация, илмий-техник, маданий-гуманитар соҳалар, шунингдек, хавфсизлик ва кўп томонлама муносабатлардаги мавжуд ҳолатларни таҳлил қилиш ҳамда унга янада ривожлантиришнинг устувор соҳа ва йўналишларини белгилаб бермоқда.

Давлатлараро муносабатлар изчил ривожланиш йўлидан борар экан, табиийки, турли макомдаги учрашувлар ҳам давом этаверади. Зеро, бугунги замоннинг ўзи вақт синиқидан ўтган ишончли шериклар билан ҳамкорлик қўламини кенгайтиришнинг тақозо этмоқда. Бу жиҳатдан Ўзбекистон ва Хитой раҳбарлари ҳамфикр эканига, муносабатлар негизда ўзаро манфаатдорлик, ишонч, ҳурмат ва ҳамжиҳатлик мужассамлигига давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг Хитойга ўзаро муносабатлар ривожига янги даврни, сифат жиҳатдан янги босқични бошлаб берган ташрифи ёрқин далил бўлди.

Хитойда Ўзбекистонга ҳурмат-эҳтиром нақадар юксак, мамлакатимиз билан ҳамкорликни ривожлантиришга интилиш қанчалик кучли эканлигига қуйидаги мисол билан ишонч ҳосил қилиш мумкин. Хитой томони Ўзбекистоннинг юксалиб бораётган иқтисодий ва сиёсий салоҳияти ҳамда давлатларимиз ўртасида ўзаро ишонч ва ҳурматга асосланган муносабатлар қарор топганини эътироф этган ҳолда, ўзаро муноса-

Икки давлат ўртасидаги дўстлик, ўзаро ишонч ва сиёсий ҳамжиҳатлик савдо-иқтисодий алоқалар ривожига, ҳамкорликда кўплаб қўшма бизнес лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этишда кучли рағбатлантирувчи омил бўлмоқда. Ўзаро товар айирбошлаш кўрсаткичи 2008 йилда 1,2 миллиард АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2011 йилда 2,6 миллиард АҚШ долларига етди. Ўзбекистонда Хитой сармояси иштирокида тузилган тўрт юздан ортиқ корхона фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистон корхоналари Хитой бозорида талаб катта бўлган кимё, нефтни қайта ишлаш ва нефть-кимё маҳсулотлари, пластмасса, полиэтилен, рангли металллар, каолин ва бошқа турдаги кўплаб экспорт товарларини ишлаб чиқармоқда. Хитой иқтисодиётимизнинг реал секторини янгилаш ва модернизация қилишга доир лойиҳаларни амалга ошириш жараёнида талаб юқори бўлган замонавий ускуналар ва илгор технологик линиялар етказиб бериш бўйича етакчи ўринлардан бирини эгаллайди.

Президентимизнинг учрашувларида мамлакатларимиз ўртасида тузилган ҳукуматлараро ҳамкорлик қўламини биргаликда режалаштириш ва кенгайтириш учун замин яратадиган олти кичик қўмитанинг фаолияти алоҳида аҳамиятга эга бўлаётгани таъкидланди. Зеро, ушбу қўмита ташкил этилиши билан ўзаро муносабатларнинг барча йўналишлари бўйича ҳамкорликни тизимли ривожлантириш учун ишончли институционал асос яратилди.

Хитой томони Ўзбекистондаги иқтисодий ривожланиш динамикаси ва кенг қўламли тузилмаларни янгилашларга юксак баҳо берган ҳолда, юқори технологиялар соҳасида, жумладан, саноат ва технология парклари яратиш орқали ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор эканлигини билдирмоқда. «Навой» эркин индустриал-иқтисодий зонаси, «Ангрен» махсус индустриал зонаси, хитойлик ҳамкорлар билан Жиззах вилоятида барпо этилиши режалаштирилаётган Юксак технологиялар саноат парки мазкур йўналишда кенг имкониятлар яратади ва мамлакатимизнинг жаҳон бозорида муҳим иштирокчилардан бирига айланишига хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбарининг расмий ташрифи чоғида ишбилармонлар ҳамкорлигини янада ривожлантириш, савдо-иқтисодий алоқалар қўламини кенгайтиришни кўллаб-қувватлаш юзасидан ҳам келишиб олинди.

(Давоми 2-саҳифада)

Тошкент Вилояти

Янгийўл тумани галлакорлари ҳам ўрим-йигимга қизгин киришишди. — Пухта тайёргарлик кўрилганлиги мавсумни сифатли амалга ошириш имконини бермоқда, — дейди туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи Рустам Қосимов. — Галла ўрими уюшқоқлик билан ўтказиш мақсадида 24 та комбайн, 100 та автомашина кечаю кундуз ишляпти. Ўрим-йигим ишлари "Ниёзбош", "Озод", "Янги ҳаёт" фермер хўжаликлари уюшмаларида яхши ташкил этилган бос кўнлик ўсиш суръати бу ҳудудларда юқори бўляпти.



ФЕРМЕР САМАРАДОРЛИГИ - ЭЛ НАСИБАСИ БОРЛИГИ

"Ниёзбош" фермер хўжаликлари уюшмасидаги "Абдухалил саховати" фермер хўжалигининг далаларидаги бўлиқ бошоқлар юқори ҳосил етиштирилганлигидан дарак бермоқда. — 76 гектар майдонда галла парваришладик, — дейди фермер Абдухалил Рустамов. —

Дастлабки ўримдаги кўрсаткичимиз 50 центнерни ташкил этяпти. Албатта, қанчалик юқори ҳосил етиштирсак, шартнома режаси ҳам, хўжалигимиз аъзоларининг оладиган улушлари ҳам шунга яраша бўлади. Янгийўллик фермерларнинг ниятлари кат-

та. Хирмонларга тўкилаётган қирмизи донимиз халқимиз ризқ-насибаси бутунлиги, дастурхонларимиз тўқинлиги кафолатидир. **СУРАТДА:** фермер Абдухалил Рустамов ўғли Улуғбек билан.

Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

АМАЛИЙ МУЛОҚОТЛАР, МАНФААТЛИ ШАРТНОМАЛАР

"Ўзэкспомарказ"да очилган тармоқ саноат ярмаркасида геология, ёқилғи-энергетика мажмуи, кимё, нефть-кимё ва металлургия саноати корхоналари ҳамда бирлашмалари иштирок этмоқда.

Тадбир Президентимиз Ислам Каримовнинг 2009 йил 1 декабрда қабул қилинган "Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ VI Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперацион биржанинг биринчи босқичи доирасида ўтказилмоқда.

Тармоқ саноат ярмаркаси ва кооперация биржасини ўтказишдан кўзланган асосий мақсад — корхоналарга қайта ишланган хомашё, материаллар ва бутловчи буюмлар, тайёр товарларни ишлаб чиқариш ҳамда етказиб беришда узоқ муддатли хўжалик муносабатларини кенгайтириш, тармоқ ва тармоқлараро кооперацияни ривожлантириш асосида янги турдаги маҳсулотларни ўзлаштиришга кўмаклашиш, хорижий харидорлар ва Ўзбекистон Республикасида маҳсулот ишлаб чиқаришни режалаштираётган шерикларни жалб қилишдан иборат. Шунинг билан бирга, саноатчиларнинг ушбу тадбирга қизиқиши йилдан-йилга ортиб бормоқда. Бу эса, ўз навбатида, иштирокчилар сонининг кўпайишида муҳим омил бўлаётди. Масалан, ўтган йилги тармоқ саноат ярмаркасида 84 корхона қатнашган бўлиб, уларнинг йигирматаси хорижий фирма ва компаниялар эди. Бу йилги тадбирда қатнашиш учун юздан ортиқ корхонадан ариза тушди.

Бу галги ярмаркада "Ўзкимёсаноат" давлат акциядорлик компанияси, "Ўзбекнефтьгаз" миллий ҳолдинг компанияси, "Ўзбекэнерго" давлат акциядорлик компанияси, "Ўзметкомбинат"

очик акциядорлик бирлашмаси, Олмалик ва Навоий кон-металлургия комбинатлари таркибига кирувчи ҳамда бошқа корхоналар иштирок этмоқда. "Ўзбекнефтьгаз" миллий ҳолдинг компанияси тенди, айниқса, эътиборга лойиқ. Бу ерда Тармоқлараро ва ички тармоқ кооперацияси бўйича маҳаллийлаштириш дастури доирасида ўзлаштирилган янги маҳсулотлар, яъни йиллар ичида ўзлаштириш режалаштирилаётган истиқболли маҳсулотлар, шунингдек, 2012-2013 йилларда маҳаллийлаштириш учун мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларига таклиф этилаётган импорт маҳсулотлар намоиш этилмоқда.

Корхоналаримиз ҳар йили мазкур форумда фаол қатнашиб келмоқда, — дейди "Ўзбекнефтьгаз" миллий ҳолдинг компанияси бош бошқармасининг ягона техник сибаст бўлими бошлиғи Ерден Турсинбоев. — Ўтган йилги тадбирда бўлиларимиз 2012 йил учун импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар харид қилиш ва хизматлар кўрсатиш бўйича қиймати қарийб 374 миллиард сўмлик 467 та шартнома тузган эди.

Бу тармоқда четдан келтирилаётган моддий-техника ресурслари, бутловчи буюмлар ҳажмини йилдан-йилга камайтириш, валюта маблағларини тежаш ҳамда қўшимча иш ўринларини яратиш имконини бераётди. Навоий кон-металлургия комбинатининг турли хил маҳсулотлари ва тенди ҳам эътиборни тортади. Бу ерда 300 дан ортиқ саноат буюмлари тақдим этилган. Энг замонавий технологиялар асосида тайёрланган зарғарлик буюмлари ташриф буюрганлар эътиборини ўзига жалб этмоқ-



да. Комбинат 2012 йилда маҳаллийлаштириш учун таклиф этилаётган подшипниклар, пармалар, фрезалар ва бошқа 60 турдаги маҳсулотни намоиш этмоқда. "Ўзметкомбинат" очик акциядорлик бирлашмасининг кўргазма тенди ҳам кишида катта таассурот қолдиради. Бу ерда корхонада ишлаб чиқарилаётган қора металллар прокати, мис ва унинг қотишмаларидан тайёрланган буюмлар, пайвандлаш электродлари, сирланган пўлат идишлар, қурилиш материалари, сим-тўрлар каби кўплаб маҳсулотлар намуналари намоиш этилмоқда.

(Давоми 2-саҳифада)

Куннинг муҳим воқеалари

► Тошкентда жорий йилнинг 30 сентябрь — 5 октябрь кунлари бўлиб ўтадиган «Олтин гепард» иккинчи халқаро кинофорумига тайёргарлик доирасида киноижодкорлар, актёрлар, санъатшунослар ва оммавий ахборот воситалари ходимларининг иккинчи учрашуви бўлиб ўтди. Учрашувда кинофорумга тайёргарлик жараёни билан бирга замонавий киносанъатининг долзарб масалалари юзасидан фикр алмашилди.

► Андижон вилояти ҳокимлиги, халқ таълими бошқармаси ҳамда "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими ҳамкорлигида Ватанимиз мустақиллигининг 21 йиллигига бағишланган "Юртим, сенга жоним фидо!" широри остида ёшлар фестивали ўтказилди.

► Навоий шаҳрида "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури доирасида ташкил этилган "Энг намунали ёш оила" кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Танловда Зарафшон шаҳрида яшовчи Давлат ва Зиёда Ҳамроевлар оиласи биринчи ўринни эгаллади.

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ

(Боши 1-саҳифада)

Зеро, бизнес вакилларининг бевосита алоқалари қанчалик фаоллашса, ўзаро савдо ҳажми ҳам, ҳамкорликдаги қўшма лойиҳалар миқдори ҳам шу қадар ошади. Бу борада яхши тажриба тўпланган. Хитойлик бизнес вакилларининг Ўзбекистонда, мамлакатимиз компаниялари, тадбиркорлари ва фермерларининг Хитойда ўтказилаётган турли кўргазма, ярмарка, бизнес форум ва конференциялардаги мунтазам иштироки яхши самара бермоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даврида Пекин, Шанхай, Сиан, Тайчжоу каби шаҳарларда мамлакатимизнинг иқтисодий, сармоявий, сайёҳлик салоҳияти тақдироти бағишланган кўплаб тадбирлар ташкил этилди.

Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий соҳада эришилаётган муваффақиятлар, барқарор иқтисодий ўсиш суръатлари, иқтисодиётни таркибий ўзгартириш ва диверсификация қилиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технология янгилаш дастурларини амалга ошириш борасидаги кенг қўламли чора-тадбирлар, мамлакатимизда яратилган қўлай сармоявий муҳит, компанияларимиз ҳамда тадбиркорларимизнинг хитойлик шериклар билан ҳамкорлиги истиқболлари, янги технологияларни жорий қилиш ва ривожлантириш, қўшма корхоналар ташкил этиш ва сайёҳлар алмашувини фаоллаштириш сингари кенг қўламли масалаларни ҳам қамраб олган бундай тадбирлар Хитой жамоатчилиги, хусусан, ишбилармон доиралари вакилларида катта қизиқиш уйғотмоқда.

Буни юртимизда яратилган қўлай инвестицион муҳитдан самарали фойдаланиб, бизнес юритаётган хитойлик ишбилармонлар фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин. — Бугунги кунда Фарғона вилоятида Хитой билан ҳамкорликда ташкил этилган 12 корхона фаолият юритмоқда, — дейди вилоят иқтисодиёт бош бошқармаси бошлиги Ғайрат Турғунов. — Марғилон шаҳридаги "Narimteks", Қўқон шаҳридаги "Imano Group", "Болалар ороуси", Фарғона шаҳридаги "Fardo-Fen", Фарғона туманидаги "Модерна ке-



Сарвар УРМОҲОВ (ЎЗА) олган суратлар.

рамик индустризи", Фурқат туманидаги "Фурқат гишт қурилиш" сингари корхоналар шулар жумласидандир. Қўқон шаҳридаги 2010 йилда иш бошлаган "Болалар ороуси" Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси қисқа фурсат ичида ички бозорда ўз харидорларини топди. Корхона замонавий жиҳозлар билан таъминланди. Болалар учун пойабзаллар ишлаб чиқаришга ихтисослашган мазкур корхонада айти пайтда 18 турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Марғилондаги "Narimteks" қўшма корхонасида эса аёллар учун қишқи устки кийимлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Мамлакатимиз раҳбарининг Хитойга расмий ташифи доирасида эришилган келишувлар мазкур йўналишдаги ҳамкорликни тубдан кенгайтириш йўлида муҳим амалий қадам бўлди.

Ташиф асосидаги мулоқотларда қайд этилганидек, маданий-гуманитар йўналишдаги ҳамкорлик изчил фаоллашяётгани икки томонлама алоқаларнинг янада кенгайиши ва чуқурлашишига хизмат қилмоқда. Илим-фан ва таълим соҳаси, соғлиқни сақлаш, туризм ҳамда бошқа қатор йўналишларни қамраб олган 2010-2013 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури-

нинг муваффақиятли амалга оширилаётгани бу жараёнда муҳим аҳамият касб этаётди.

"Ўзбекистон-Хитой" дўстлик жамияти халқларимизнинг дўстлик ришталари ва маданий алоқаларини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшмоқда. 1998 йилда тузилган ушбу ташкилотнинг асосий вазифаси икки мамлакат фуқароларини Ўзбекистон ва Хитой тарихи, маданияти ва санъати, халқларимизнинг урф-одатлари, анъана ва қадриятлари билан яқиндан таништиришдан иборат. Пекин шаҳрида 2005 йилда ўз ваколатхонасини очган "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси миллий маданиятимиз, қадрият ва анъаналаримиз ҳамда бой тарихий меросимиз ва бетакрор санъатимизни Хитойда кенг тарғиб этишга хизмат қилмоқда.

Тошкентда хитой тили ва маданиятини ўрганиш бўйича Конфуций институти фаолият юритаётгани мамлакатларимиз ўртасидаги таълим соҳасидаги ҳамкорликнинг жадал тараққиётига мисол бўла олади. Пойтахтимизда 2005 йилда ташкил топган ушбу институт Ўзбекистонда кечаётган хитой тили ва маданиятидан сабоқ бериш баробарида, турли тадбирлар

воситаси билан икки мамлакат ўртасида гуманитар ҳамкорликни ривожлантиришга ҳам муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Ўтган йилнинг июль ойида Хитойда Ўзбекистон маданияти кунлари бўлиб ўтди. Анжуман доирасида Пекин ва Сиан шаҳарларида санъаткорларимиз ижросида миллий мусиқа ва кўшиқларимиздан иборат концерт дастурлари намойиш этилди. Ўзбекистон билан Хитой ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганининг 20 йиллиги нишонланаётган жорий йилда бадий жамоаларнинг ўзаро таширфлари, анжуман ва форумлар ўтказиш янада фаоллашди. Зеро, бундай тадбирлар давлатларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликнинг ижтимоий асосларини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Хитой раҳбарияти мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ва кенг қўламли ижтимоий-иқтисодий ислохотларга, Ўзбекистоннинг минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлаш борасидаги сайёҳаракатларига юксак баҳо берди.

Дарҳақиқат, Хитой ўзаро ҳамкорликдан манфаатдор мамлакат сифатида Ўзбекистонда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнларни диққат билан кузатиб келади. Ушбу

мамлакат оммавий ахборот воситалари Ўзбекистонда изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар, мустақиллик йилларида эришилган улкан ютуқлар, мамлакатимизнинг хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан муттасил тараққий этаётган алоқаларини атрафлича ёритиб бормоқда. Яқинда Шанхай Ижтимоий фанлар академиясида Ўзбекистонда қабул қилинган «Мустаҳкам оила йилли» Давлат дастурига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Анжуманда Ўзбекистонда жамият асоси ва таянчи бўлиши оилани янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, оила манфаатларини ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш, ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, оиланинг барқарор асосини тарбиялашдаги ўрнини юксалтириш борасида аниқ мақсадга йўналтирилган кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилаётгани билан боғлиқ масалалар мулоқотларнинг асосий мавзуси бўлди.

Хитой жамоатчилигида Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ҳаётига қизиқишнинг нечоғли катта эканини Шанхай ижтимоий фанлар академияси халқаро департаменти директори Ли Ихайнинг қуйидаги сўзлари ҳам аққол фодолайди: «Ўзбекистонда 2012 йилнинг «Мустаҳкам оила йили», деб эълон қилиниши мамлакат раҳбариятининг келажақ эгалари бўлган ёшларга нақадар ғамхўрлик кўрсатаётганидан далолатдир. Зеро, оила қуришнинг энг муҳим даврида кўрсатиладиган ёрдам Ўзбекистоннинг келажақи учун мустаҳкам замин яратгани холда, унинг жаҳон соҳасидаги муносиб ўрнини янада мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилади».

Президентимиз Ислам Каримовнинг Хитойга расмий таширифи ўзаро муносабатлар тараққиётида янги саҳифа очди. Айти пайтда томонлар давлатларимиз ҳамкорлигини мамлакатларимиз раънақи, халқларимиз фаровонлиги йўлида узоқ муддатли стратегик асосда фаол ривожлантириш ҳамда чуқурлаштиришга тайёр эканлигини яна бир бор намоён этди.

Олим ТўРАҚУЛОВ, ЎЗА шарҳловчиси.

БОЖЖОНА

Президентимизнинг 2012 йил 26 мартдаги "Экспорт қилувчи корхоналарни рағбатлантиришни кучайтириш ва рақобатбардош маҳсулотларни экспортга етказиб беришни кенгайтириш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори асосида тадбиркорлик фаолиятига янада қўлай бизнес-муҳитини яратиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатмоқда.

ҚУЛАЙЛИК, ЕНГИЛЛИК ВА ИМТИЁЗЛАР

КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ТАРАҚҚИЁТИГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

Рақамларга мурожаат қилсак, 2012 йилнинг 1-чорагида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан мамлакатимиздан хорижга экспорт қилинган маҳсулотлар ҳажми 14,2 фоизга ошди. Мазкур экспорт ҳажмининг 14,5 фоизи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари улушига тўғри келди. Энг муҳими, шу даврда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан экспорт географияси кенгайди.

Мамлакатимизда хусусий мулкчиликни ривожлантириш йўлида ортқча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ҳамда тадбиркорларнинг фаолият қўламини кенгайтириш, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини оширишда кичик бизнес субъектларининг фаол иштирок этишлари учун қўлай шарт-шароитларни яратиш мақсадида товарлар экспорти йўналишида қатор қўлайлик ва енгилликлар яратилди. Жумладан, Президентимизнинг 2011 йил 25 августдаги "Бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ бир қатор янгилликлар ва ўзгаришлар фаолиятга татбиқ қилинмоқда.

Товарлар, ишлар ва хизматларни экспорт қилувчи микрофирмалар ҳамда кичик корхоналар учун божжона органларида экспорт шартномаларини ҳисобга қўйиш товарлар божжона расмийлаштируви жараёнида бевосита божжона постларида амалга оширилмоқда. (Бундан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 10 октябрдаги 1871-сонли Фармони билан тасдиқланган рўйхатга мувофиқ ҳомашё маҳсулотлари экспорти мустасно). Жумладан, 2012 йилнинг 1-чорагида ҳисобга олинган экспорт шартномаларининг бевосита 56 фоиздан ортиғи Ташқи иқтисодий фаолият божжона постларида ҳисобга олинди.

Бундан ташқари, маҳсулотларнинг "Экспорт" ва "Божжона ҳудудидан қайта ишлаш" режимларига расмийлаштириш учун белгиланган йиғим ставкаси 0,2 фоиздан 0,1 фоизга туширилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича "Ўзтадбиркорэкспорт" ихтисослаштирилган ташқи савдо компанияси фаолият юритмоқда.

Давлат божжона қўмитаси томонидан республика экспорт салоҳиятини оширишда ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиларига етарли шарт-шароитларни яратиш мақсадида, товарлар экспорти ва асбоб-ускуналар, ҳомашё маҳсулотлари импорти учун тузилган шартномаларининг ҳисобга олиниши, ушбу маҳсулотларнинг божжона расмийлаштирувини устувор равишда амалга оширилишини ташкиллаштириш юзасидан барча ҳудудий божжона бошқармаларига мунтазам равишда кўрсатма ва топшириқлар бериб боришмоқда.

Шу билан бирга, экспортчи корхона ва ташкилотлари фаолиятидаги муаммоларни маҳаллий ҳокимликлар, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг ҳудудий бошқармалари, ваколатли банклар ҳамда бошқа мутасадди идоралар билан биргаликда жойида ҳал этиш чораларини кўриш мақсадида 2012 йил 1-чорагида жами 84 та йиғилиш ўтказилди.

Маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва экспорт қилишда келиб чиқаётган муаммолар, уларни бартараф этишга қаратилган тақлифларни чуқур муҳокама қилиш ҳамда қўнуний жиҳатдан ўрганиб чиқиш ва ҳал қилиш чорасини кўриш божжона идораларининг асосий вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Давлат божжона қўмитаси Матбуот хизмати

Сургарё Вилояти

Гулистон шаҳрида ойига 200 тонна калава ип ишлаб чиқариш қувватига эга "Барака текс" корхонаси ишга туширилди. Хорижий сармоядорлар томонидан 4,5 миллион АҚШ доллари қийматида тўғридан-тўғри инвестиция киритилиб, ўзлаштирилган корхонада 170 та янги иш ўрни яратилди.

«БАРАКА-ТЕКС» ИШГА ТУШДИ

Айни чоғда корхонада кунига 2-2,5 тонна калава ип ишлаб чиқарилмоқда. Қуварлиси, ишчиларнинг аксарияти ёшлардан иборат. — Мен Оқолтин иқтисодиёт коллежини тамомлаб, "Барака-текс" корхонасига ишга келдим, — дейди Сарвара Ризоқуллова. — Хозирда тажрибали ишчилардан техника сирларини пухта эгаллашга ҳаракат қиламман.

Корхонада бу йил коллежини тугаллаб, муҳим иш ўрнига эга бўлаётган ёшлар кўпчилигини ташкил қилади. Одина Мирзалиева, Раҳима Жамолова, Феруза Эсонова, Хулкар Ҳазратқуллова, Дилдора Жабборовна каби иш-жоатли ёшлар калава ип ўрашда малакали ишчилардан ортда қолишмаётди.

Келгусида корхонанинг йиллик маҳсулот ишлаб чиқариш қувватини 2500 тоннага етказиб, яна 120 та янги иш ўрни яратамиз, — дейди корхона раҳбари Даврон Қайумов. — Иш фаолиятимизни кенгайтириб, шу ернинг ўзида тўқув цехини ҳам барпо этишни ният қилганмиз. Маҳсулотларнинг асосий қисми экспорт қилинади.

Бозорбой БЕКМУРОДОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

АМАЛИЙ МУЛОҚОТЛАР, МАНФААТЛИ ШАРТНОМАЛАР

(Боши 1-саҳифада)

Бирлашма мутахассисларининг таъкидлашича, жорий йил биринчи чорагида комбинат томонидан қиймати қарийб 30 миллиард сўмлик маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқарилган. 2012 йилнинг биринчи чорагида аввалги саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси доирасида тузилган шартномалар белгиланган топшириққа нисбатан 103 фоизга бажарилган.

Шуниси эътиборлики, тадбир доирасида экспорт қилинаётган маҳсулотларни сотиб олиш, импорт ўрнини босадиган ва экспортбон харидордир маҳсулотлар ўзлаштириш бўйича саноат кооперациясида қатнашиш ҳамда Ўзбекистонда ишлаб чиқаришни ташкил этишдан манфаатдор хорижий шерикларни жалб этиш борасида ҳам салмоқ-

ли ишлар амалга оширилаётди.

Ярмаркада илк бор иштирок этаётган "Электр қувват қурилмалари" Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси бунга ёрқин мисол бўла олади. Корхона биринчи босқичда йилига 100 мингта трансформатор ишлаб чиқариш қувватига эга. Қўшма корхона бош директори Ван Синхеннинг айтишича, тармоқ саноат ярмаркасида корхона турли русумдаги тўрт хил трансформаторни намойиш этмоқда. Тадбир давомида маҳсулот етказиб бериш ва сервис хизматлари кўрсатиш учун қатор шартномалар тузиш режалаштирилмоқда.

Бу йилги ярмарканинг ўзига хос жиҳати шундаки, унда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакиллари ҳам фаол иштирок этмоқда. Улар саноат кооперациясини ривожлантириш ва ишлаб чиқаришни диверсификация қилишда муҳим ўрин ту-



тади. Бундай корхоналар учун кўргазма майдонларини тақдим этишда имтиёзли шароитлар яратилган бўлиб, уларга услубий ёрдам кўрсатишмоқда.

Идоралар ва ҳўжалик бирлашмалари ўзларининг техник ҳамда технологик имкониятларини янада тўлиқ намойиш этиш учун корхона-

лари тақдимотини ҳам ўтказди.

Тадбирнинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ф.Ибрагимов иштирок этди.

Мехрибон МАМЕТОВА, ЎЗА мухбири. О.МИРСОАТОВ (ЎЗА) олган суратлар.

Хоразм Вилояти

Богот туманидаги "Анвар Аҳмад ўғли" фермер хўжалиги раҳбари Юсуфбой Рўзметов умри далада — ёўзалар ичида кечаётган одам. Олий маълумотли агроном, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор Юсуфбой ака билан суҳбатимиз айни кунлардаги ёўза парвариши ҳақида борди.

ЁЎЗА КҮН САНАЙДИ

деҳқон эса ҳар дақиқани...

— Айтиш мумкинки, об-ҳаво пахтачилик учун қўлай келмоқда. Бу ёғи ҳар кимнинг ғайрат-шижоатига, тажрибалар асосида иш тутишига боғлиқ.

Фермер хўжалигимиз бўйича амалдаги йилда 25 гектар майдонга қўшқатор усулида ёўзанинг "Хоразм-150" навини мақбул муддатда эккан эдик. Воҳа тупроғида синовдан ўтган бу нав бизнинг далаларда мўл ҳосил беради. Қўшқаторлаб экиш усулига ҳам мослигини кўрсатмоқда. Шартномавий режими 72,5 тонна бўлса-да, ҳар бир гектар майдон ҳисобига 40 центнердан — 100 тонна пахта топширишини мўлжаллаб, меҳнат қилмоқдамиз. Айни кунларда пахта далаларимизда ёўза қатор ораларини культивациялаш давом этапти. Культивация ишларида ўзлаш усули самарали экан. Қатор ораларига ишлов бериш пайти "МТЗ-80" тракторимиз ёнига яна 3 та трактор қўшилиди. Бу борадаги ишлар қисқа муддатларда бажарилади. Минерал ўғитлар ҳам ўз муддати ва меъёрида берилса, пахтанинг сифати кўзланган даражада бўлади, ҳосилдорлиги янада ошади.

Зараркунанда ҳашаротларга қарши биологик кураш олиб бориляпти. Далаларга олтинқўз, трихोगрама билан тўлиқ ишлов берилмоқда. Экинларни зарарли

ҳашаротлардан ҳимоя қилишда қишлоғимизда ташкил этилган биологатория ходимлари яқин маслаҳатчимиз, ёрдамчимиз бўлмоқда.

Ёўзадан юқори ҳосил олишнинг яна бир омилни уни чанқатиб қўймасдан, ўз вақтида, об-ҳаво ва тупроқ шароитини ҳисобга олган ҳолда меъёрида сугоришдир. Бунга экиннинг ўсиш давридан тортиб охириг парваришгача амал қилиш шарт. Бу жиҳатдан деҳқонларимизга омад қилиб боқмоқда. Ариқларимизда тўлиб обихайёт оқияпти. Сугориш, албатта, "шарбат" усулида ўтказилади. Маълумки, маҳаллий ўғит нихоллар учун муҳим озиқ бўлиб, тупроқ таркибидagi минерал ўғитлар экинлар томонидан яхши ўзлаштирилишини таъминлайди, ерни юмшоқ тутайди, намини узоқ сақлайди. Шунинг учун ҳар бир дала бошида хандақлар қаздириб, гектарига 10 тоннадан мўлжаллаб чиритилган маҳаллий ўғит жамғариб қўйганимиз.

Сирасини айтганда, деҳқон учун вақтнинг ҳар бир дақиқасидан унумли фойдаланиш, "темирни қизигида босиш" кунлари давом этмоқда. Қайсики деҳқон бунга амал қилса, албатта, кўзланган ҳосилини олади.

Холмурод КУРБОНОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

Қашқадарё Вилояти

Энг афзали — биологик усул

Вилоят ўсимликларни ҳимоя қилиш маркази томонидан фермер хўжаликларига ёўза зараркунандаларига қарши курашишда биологик усул кенг қўлланилмоқда.

Миришкор туманидаги "Элбек" фермер хўжалиги далаларида ёўза баравж ривожлантипти. 27 гектар майдонда ёўзанинг "Бухоро-8" нави парваришида агротехник тадбирларга қатъий амал қилинапти.

— Биз ушбу майдонларга 8 апрелда барака уруғини қадаган эдик, — дейди "Элбек" фермер хўжалиги раҳ-

бари Муродулло Навилов. — Хозиргача ёўза қатор ораларига минерал ва маҳаллий ўғитлар билан ишлов берилди. "Шарбат" усулида обихайёт қондирилди. Эндиги асосий вазифамиз нихолларни зараркунанда ва ҳашаротлардан ўз вақтида ҳимоя қилишдир. Бу борада туманимиздаги маиший хизмат, иқтисодиёт касб-



хўнар коллежлари ўқитувчиларининг ўз билим ва таж-

рибалари орқали бераётган ёрдами ҳам бизга асқотаяпти. Натيجида нихоллар ҳар хил зараркунанда ва ҳашаротлардан холи бўлиб, баравж ўсяпти.

Туман бўйича 23 минг гектар майдонда ёўза зараркунандаларига ва ҳашаротларга қарши биологик усулда курашиляпти. Бундан ташқари, ёўза баргидан озиқлантирилмоқда. Бу эса ҳосилдорлигини оширишга хизмат қилади.

Хусан ТЕМИРОВ, "Qishloq hayoti" мухбири. Муродулло КОМИЛОВ олган суратлар.



ШҶР ЧЕКІНСА, ҲОСИЛ «ОЛҒА БОРАДИ»

«Ўзмелиомашлизинг» компанияси томонидан мелиораторларга замонавий техника воситалари етказиб берилмоқда

Пахта, ғалла, сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари етиштиришни кўлайитириш кўп омилларга боғлиқ. Улар орасида мавжуд экин майдонларининг ҳосилдорлигини ошириш алоҳида аҳамиятга эга. Қолаверса, беда, маккажўхори каби озқабол экинлар ҳосилини мўл-кўл қилиш, узумзорлар, боғлар самардорлигини ошириш ҳам кўп жиҳатдан тупроқ унмдорлиги, ерларнинг мелиоратив ҳолати қай даражада эканлиги билан изоҳланади. Худди шу жиҳат ҳисобга олиниб, мамлакатимизда кейинги йилларда бу долзарб масалага алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Президентимиз томонидан 2007 йил 29 октябрда қабул қилинган «Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонда бу борада бажарилиши зарур бўлган барча ишлар белгилаб берилган. Улар Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Давлат дастурида тўла-тўқис акс эттирилган.

Юртдошларимизнинг кўнчилиги мамлакатимиз иқтисодий тараққиёти ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлишни истади. Шунинг билан, юқорида тилга олинган Давлат дастури ижроси бўйича ўтган даврда амалга оширилган ишлар ҳақида қисқача маълумот беришни мақсадга мувофиқ, деб ҳисобладик. Шу даврда 2619 километр узунликдаги коллектор-дренаж тармоқлари, 40 донна мелиоратив насос станцияси, 1600 донна тик дренаж ҳамда қузатув қудуқларини реконструкция қилиш ва қуриш ишлари адо этилди. Бундан ташқари, 53,6 минг километр узунликдаги коллектор-дренаж тармоқлари, 4592 донна тик дренаж қудуқлари, 183 донна мелиоратив насос станциялари таъмирланди ва тикланди. Бу саъй-ҳаракатлар эвазига кейинги тўрт йилда 1 миллион 164 минг гектардан зиёд суғориладиган экин майдонларининг мелиоратив ҳолати яхшиланди. Кучли ва ўртача шўрланган майдонлар 71 минг гектарга, ер ости сизот сувлари сатҳи юқори метрга бўлган майдонлар 519 минг гектарга қайтди. Ана шу чора-тадбирларнинг

дастлабки самараси сифатида мелиорация тадбирлари амалга оширилган ҳудудларда пахта ва ғалла экинларидан олинадиган ўртача ҳосилдорлик 2-3 центнерга кўпайди.

Президентимизнинг юқорида таъкидланган фармонида кўрсатилган улғувор вазибаларни бекаму кўст бажариш учун энг муҳим йўналишлар белгилаб олинган ва уларнинг ижросини таъминлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг бир қатор қарорлари қабул қилинган. 2007 йил 29 декабрда имзоланган «Ўзмелиомашлизинг» давлат лизинг компаниясини ташкил этиш тўғрисида»ги қарор шундай муҳим ҳужжатлардан биридир. Бу борада ўтган даврда кенг қўлланган ишлар амалга оширилди. Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Давлат дастурига мувофиқ равишда мелиораторларга замонавий экскаваторлар, бульдозерлар, дренаж ювиш агрегатлари ва бошқа техника воситалари лизинг шартномалари асосида етказиб берилмоқда.


— Зиммамизга юклатилган масъулиятли вазифани тўла-тўқис адо этишга астойдил ҳаракат қилганимиз, — дейди «Ўзмелиомашлизинг» компанияси ижрочи директори Ақром Сулаймонов. — Ташкилотимизнинг молиявий-иқтисодий кўрсаткичлари йилдан-йилга яхшиланиб бормоқда. Хусусан, 2011 йили фаол ҳаракат туфайли 1 миллиард 182 миллион сўмдан зиёд соф фойда олинишига эришилди. Бу — 2010 йилдагига нисбатан 30



Фойз кўп. 2012 йилнинг ўтган даврида эса ўсиш суръатлари янада тезлашди.

Шу ўринда яна бир муҳим жиҳатга эътиборни қаратиш жоиз. Президентимиз томонидан қабул қилинган мелиорация доир фармонга мувофиқ, бир қатор ташкилотлар, жумладан, «Ўзмелиомашлизинг» компанияси айрим солиқларни тўлашдан озод қилинган. Шу имтиёз туфайли 2008-2011 йилларда компания бўйича тежалган маблағ 779 миллион 916 минг сўмни ташкил этди. Бу маблағлар мелиорация соҳаси учун техника воситалари етказиб берилишини молиялаштириш манбаларини тўлдиришга йўналтирилмоқда. Шунинг билан 10 та экскаватор, 6 та бульдозер, 10 та автокран, 8 та фронтал юклагич лизинг олувчиларга етказиб бериш учун харид қилинди.

2012 йилда компания томонидан 158 донна техника воситалари, жумладан, 60 та экскаватор, 30 та бульдозер, 10 та автокран, 15 та автокран, 11 та автосамосвал, 10 та техник хизмат кўрсатиш машинаси, 15 та вагон-уй, 5 та кўча ёнилғи қуёш шохобчаси, 2 та ёпиқ дренаж ювиш агрегати харид қилиш кўзда тутилган. Улар



ни сотиб олиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг «Ўзбек-тендерконсалтинг» агентлигида тендер савдолари ўтказилди. Ҳамкорлар маълум бўлган, Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси томонидан техника воситаларини сотиб олишга 2012 йилнинг ўтган даврида қарийб 7 миллиард сўм маблағ молиялаштирилди.

Мелиорация техникаларини харид қилишда мамлакатимиздаги маҳаллий ишлаб чиқарувчилар билан ҳамкорлики кен

гайтириш диққат марказда бўлиб келмоқда. 2012 йилда ўтказилган V халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперацион биржасида Ўзбекистондаги ишлаб чиқарувчилар билан 48 та техника воситасини харид қилиш юзасидан 10,7 миллиард сўмлик шартномалар имзоланди. Бу 5,7 миллион АҚШ доллари миқдоридаги валютани иқтисод қилиш имконини беради.

Лизинг шартномаларига асосан сотиб олинган техника воситаларидан самарали фойдаланиш, уларни яхши сақлаш, ҳисоб-китоб ишларининг тизимли таҳлилини юритиш ва бошқа

масалалар доимий назорати-мизда бўлиб келмоқда, — дейди «Ўзмелиомашлизинг» компанияси мутахассиси Рустам Муҳаммадиев. — Шу мақсадда компания масъул ходимларидан иборат ишчи гуруҳи томонидан Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларга хизмат сафари уюштирилиб, тизимли мониторинг ўтказилмоқда.

Давлат томонидан мелиорация соҳасига сарфланаётган маблағлар самарадорлигини ошириш, техника воситаларидан унмўли фойдаланишга эришиш мақсадида бошқа чора-тадбирлар ҳам амалга оширилмоқда. Замонавий техника воситаларига сервис хизмати кўрсатишни йўлга қўйиш мақсадида компания ҳузурида «Ўзмелиомашлизинг-сервис» шўъба корхонаси ташкил этилганлиги ва унинг фаолияти тобора такомиллаштирилиб борилаётганлиги эътиборга молик. Ийрик ҳамкорлардан бири — Хитой Халқ Республикасидаги «Guangxi Liugong Machinery» компанияси билан олдиндан имзоланган ҳужжатларга мувофиқ техник хизмат кўрсатиш бўйича икки қисмдан иборат ўқув семинари ташкил этилди. Унинг назарий қисми Тошкент ирригация ва мелиорация институтида, амалий қисми эса «Ўзмелиомашлизинг-сервис» шўъба корхонаси ҳудудида ўтказилди. Бу йўналишдаги ишлар изчил давом эттирилади. Хусусан, сервис хизмати кўрсатишчи ходимларини Хитойга — юқорида номи таъкидланган компанияга йўллаб, малака ошириш қайтишларини ташкил этишга икки томонлама келишиб олинди. Тилга олинган барча чора-тадбирлар мелиорация ишлари учун лизинг асосида сотиб олинаётган техника воситаларидан самарали фойдаланишга, ерларнинг шўрланганлик даражасини қаматиришга, пировад натижада қишлоқ ҳўжалик экинлари ҳосилдорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Суннат САЙДАЛИЕВ, «Qishloq hayoti» мухбири.

Наманган Вилояти

Учқўрғон туманида «Норин-Сирдарё» ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси томонидан сув истеъмолчилари уюшмалари фаолиятини такомиллаштириш, обихоёт ресурсларидан оқилона ва унмўли фойдаланиш, вегетация даврида сифатли суғоришни ташкил этишга бағишланган семинар ўтказилди. Унда вилоятдаги барча сув истеъмолчилари уюшмалари раҳбарлари, ирригаторлар, сувчилар ва соҳа мутахассислари иштирок этди.

ИРРИГАТОРЛАР АНЖУМАНИ

— Кўргазмали семинардан қўзланган асосий мақсад, — дейди «Норин-Сирдарё» ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиғи Баҳодир Охуннов, — СИУлар фаолиятини таҳлил этиб, жойларда ташкил этилган суғориш отрядлари аъзолари ишларини оқилона йўлга қўйишдан иборатдир. Вилотимиз бўйича суғориладиган ер майдонлари 274,3 минг гектарни ташкил этиб, шундан 79 минг гектари ғалла, 82,6 гектари пахта, шунингдек, қолган қисмдаги экин майдонлари боғ-роғлар ҳамда аҳолининг томоғқа ерлари ҳиссасига тўғри келади. Мазкур экин майдонларининг қарийб 236 минг гектари бевосита Сирдарё ҳамда Норин дарёлари, 33 минг гектари маҳаллий сой, 2,7 минг гектари ер ости, 2,6 минг гектари закан-зовур тармоқлари орқали суғорилади. Суғориладиган ер майдонларини сув билан таъминлаш ва мелиоратив ҳолатини яхшилашда айна пайтда 2620 километр узунликдаги ҳўжаликларро, 9722 километр узунликдаги ички ҳўжалик суғориш тармоқлари, 218 та давлат ҳисобидидаги насос станцияларида 718 та насос агрегатлари, 585 та тик суғориш, 228 та тик зах қўчириш қудуқлари ҳамда 1814 километр узунликдаги ҳўжаликларро, 3227 километр узунликдаги ички ҳўжалик коллектор-зовур тармоқлари ҳамда 26 километр узунликдаги ёпиқ-ётиқ дренаж тармоқларидан фойдаланилмоқда.

Жорий йил суғориш мавсумига вилотимиз бўйича 2367 миллион куб метр сув лимити ажратилган бўлиб, кунлик меъёр секундида 153,1 куб метрга тўғри келади. Кўргазмали семинарда вилот хохимининг биринчи ўринбосари Ў.Эргашев таъкидлаганидек, айна кунларда мавжуд сув иншоотлари белгиланган лимитдаги сув билан таъминланган.

Семинар иштирокчилари дастлаб тумандаги «Ингичка тегирмон» сув истеъмолчилари уюшмаси иш фаолияти билан ақиндан танишдилар. Мазкур уюшма Қайи қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган бўлиб, улар зиммасига 1436 гектар майдон сув билан таъминлаш вазифаси юклатилган. Бу ердаги қулай иш шaroити, бевосита уюшма, фермер ҳамда деҳқон ҳўжаликлари, қишлоқ фуқаролар йиғини ўртасида ўзаро шартномалар тузилганлиги, унга қўра, томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳужжатлар орқали расмийлаштирилб қўйилганлиги, айнакиса, «Акрамжон-Абдухалил-Абдулазиз» фермер ҳўжалигининг пахта даласида ташкил этилган гўза қатор ораларига сув тарашининг илгор усуллари семинар иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Маъмур МУСЛУМОНОВ

Самарқанд Вилояти

Дарҳама

Пиллачилик

Қорақалпоғистон Республикаси

МЕҲР БИЛАН ҚИЛИНГАН МЕҲНАТ

1985 йилдан бери ҳар йили ипак қурти парваришлаб келаётган иштихонлик пиллачи Раҳима Уморова жорий йилда ҳам туманда биринчилордан бўлиб 250 килограмм қимматбаҳо саноот хомашесини тайёрлаб, пилла хирмонига мўносиб ўлуш қўшди.

— Аслида ҳар қандай юмш ҳам меҳр билан қилинсагина қутилган самара беради, — дейди у. — Мана қарийб ўттиз йилдирки, ҳар йили ипак қурти парваришлайман. Қайнонам бир умр пилла боққан. Ҳозир гарчи саксонни қоралаган бўлсада, пилла қуртига меҳри бўлакча. Мен ҳам ипак қурти парваришлаб силарини қайнонамдан ўрганиб, фарзандларимга ўргатипман.

Жорий йилда уч қўти хориждан келтирилган ипак қурти парвариш қилдик. Олдиндан бўнак пуллари, қурт парваришида лозим бўладиган барча ашёлар берилди. Туманимизда пилла етиштириш мавсумини уюшқоқлик билан ўтказиш учун аниқ чора-тадбирлар белгиланди. Бундан ташқари, тут бар-



гини ташиш, тайёр маҳсулотни қабул пунктига етказиш учун алоҳида техникалар ажратилди.

СУРАТДА: пиллачилар — Р.Уморова ва фарзанди А.Умаров. Тоҳир НОРҚУЛОВ олган сурат.

САРБАЛАНД «КУМУШ ТОЛА» ХИРМОНИ

ОРОЛБЎЙИ ПИЛЛАЧИЛАРИ ЖОРИЙ МАВСУМДА РЕЖАДАГИ 810 ТОННА ЎРНИГА 815 ТОННА «КУМУШ ТОЛА» ТОПШИРИБ, ШАРТНОМАВИЙ РЕЖАСИНИ ОШИРИБ БАЖАРДИЛАР. ҲАР БИР ҚЎТИ ИПАК ҚЎРТИДАН 60,5 КИЛОГРАММДАН ҲОСИЛ ОЛИНДИ

— Жорий йилда тутзор майдонларига ишлов беришга ва озиклан-тиришга, тут қўчатларини экишга алоҳида эътибор қаратилди, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси «Пилла» акциядорлик бирлasmасининг раҳбари Болтабой Холмуратов. — Амударё туманидаги «Осиё-Силк» қўшма корхонаси томонидан Хитой Халқ Республикасидан 700 минг донна тут қўчатлари олиб келиниб, 17 гектар майдонга экилди. Жами экилган қўчатлар 995 минг донани ташкил этди.

Тошкент шаҳридаги «Силвер-Силк» қўшма корхонасидан 4000 қўти, Тошкент вилоятидаги «Рос-грентекс» корхонасидан 9500 қўти ипак қурти олиб келиниб, жами 13500 қўти ипак қурти пиллачилик билан шугулланувчи 1477



фермер ҳўжаликларига тарқатиб берилди. Сифатли пилла етишти-риш, янги тутзорлар барпо этиш, тут қўчатларини агротехнология асосида парвариш қилиш мақса-дида 45 нафар пиллачилик ҳосилотлари, 675 нафар пиллачилик

бригадирлари тайинланди. Пиллачиларга олинган бўнак пуллари тарқатилди.

Яратилган хирмонга Амударё, Эллиқалъа, Беруний, Тўртқўл, Қанлиқўл ва Кегайли туманлари пиллачилари мўносиб ҳиссаларини қўшдилар. Пилла етиштиришда Амударё туманидаги «Турсин-боева Умида», Тўртқўл туманидаги «Фаровонлик», Беруний тумани-ниги «Маллахонов Мардон», Эллиқалъа туманидаги «Ҳамида ҳамшира», Ҳўжайли туманидаги «Генжебоев Оролбой», Кегайли туманидаги «Интеграл» фермер ҳўжаликлари пиллачилари шарт-номавий режани 110-115 фойизга бажардилар.

Давуд АБИБУЛЛАЕВ, «Qishloq hayoti» мухбири.



«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖНИНГ ҲУДУДИЙ ФИЛИАЛЛАРИ БАРЧА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ, ШУ ЖУМЛАДАН, КИЧИК БИЗНЕС ВАКИЛЛАРИ ҲАМДА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛАРНИ ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

НАВОЙИ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Навоий вилояти Хатирчи тумани ҳокимининг 2012 йил 5 июндаги Қ-557 сонли қарорига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танловга қўйилмоқда:

1. Музқаймоқ дўкони биноси қуриш учун, Хатирчи тумани «Олчинобод» ҚФЙ «Гумбаз» қишлоғи ҳудудида жойлашган 170 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 38 760 сўм.

2. Минимаркет биноси қуриш учун, Хатирчи тумани «Қорача» ҚФЙ А.Навоий МФЙ ҳудудида жойлашган 54 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 13 014 сўм.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Хатирчи тумани архитектура бўлими томонидан тайёрланган тумансозлик топшириғи асоси-

да белгиланади. Тумансозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади. Мажбуриятларни бажариш танлов голиби танлов мажбуриятларини бажариш тўғрисида шартнома тузилган кундан бошлаб 2012 йил 8 декабрь кунига қадар бўлган мuddатда амалга оширилиши лозим.

Танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошланади ва 2012 йил 17 июль кунини соат 18:00 да тўхтатилади.

Танловда қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Хатирчи тумани ҳокимлиги биносидан 2012 йил 18 июль кунини соат 11:00 да очилади ва шу кунини соат 16:00 да мазкур ҳокимлик биносидан танлов голиби аниқланади. Комиссия томонидан танлов таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор танлов голиби деб топилади.

Юқоридаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи 2012 йил 18 июлдаги танловда сотилмаган тақдирда, унинг тақдирини танлов савдоси 2012 йилнинг 17 август кунини соат

11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Тақдирини танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилишнинг охириги мuddати: 2012 йил 16 август соат 18:00 да тўхтатилади.

Тақдирини танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Хатирчи тумани ҳокимлиги биносидан 2012 йил 17 август кунини соат 11:00 да очилади ва шу кунини соат 16:00 да мазкур ҳокимлик биносидан танлов голиби аниқланади.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун буюртманомана берилишидан олдин ер участкасига бўлган ҳуқуқ минимал қийматининг 10 фойизи миқдоридаги закалатни закалат келишувига асосан танлов ташкилотчисининг мазкур билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт.

Танловда қатнашчи истагида бўлган талабгорлар танлов ташкилотчисидан танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдоридаги ҳақ эвазига олади.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун танлов ташкилотчисига буюртма хат билан бир-

га қуйидаги ҳужжатлар илова қилинган буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

- юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда унинг танловда қатнашини учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

- жисмоний шахслар — паспорт нусхаси (якка тадбиркор сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), танловда ваколатли вакил қатнашганда ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

- танлов ташкилотчисининг банк ҳисоб-рақамига закалат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатидан нусха;

- танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилиб, муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча арақ-

лари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса, унинг муҳри ва ваколатли шахсининг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Комиссия томонидан танлов таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор танлов голиби деб топилади.

Танлов ташкилотчиси — «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Навоий филиали. Танлов ташкилотчисининг манзили: Навоий вилояти, Навоий шаҳар, П.Очилов кўчаси 24-уй, вилоят Давлат мулкни бошқариш бошқармаси биноси. Расмий сайтими: www.1kms.uz. Лицензия № RR 0001.

Танлов ҳужжатларини олиш учун тўловлар ва закалат пулини тўлаш учун танлов ташкилотчисининг АТ «Ипотекабанк» Навоий филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: 20208000504920609007.МФО 00205, СТИР: 207122519.

Танлов ҳужжатлари ва қўшимча маълумотлар олиш мумкин бўлган манзил: Навоий шаҳар П.Очилов кўчаси 24-уй.

Мурожаат учун тел (8-436) 22-44-44. 22-4-15-61.

Ташкил этилаётган танлов савдолари бўйича савол ёки эътирозларингиз бўлса, қуйидаги ишонч телефонларига мурожаат этишингизни сўраймиз:

(+99871) 228-78-96, 228-80-23. Факс: (+99871) 228-80-26. Электрон почта: rieltasvdo@inbox.uz

«Ko'chmas mulk savdo xizmati» масъулияти чекланган жамияти кўчмас мулк бозорига фаолият кўрсатаётган барча юридик ва жисмоний шахсларни ҳамкорликка таклиф этади. Жамиятимизда сизларга барча турдаги кўчмас мулклар, шу жумладан, уй-жойлар ва квартиралар бўйича юқори даражада сифатли риэлторлик хизматлари кўрсатилиши кафолатланади.

МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ ЯГОНА МАРКАЗ

Миллий кинология марказига нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан шундай мақом берилган

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан Миллий кинология марказида божхона органлари фаолиятида кинология хизматининг тутган ўрни, мазкур соҳани ривожлантириш бўйича олиб борилган чора-тадбирларга бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Анжуманда таъкидланганидек, Марказий Осиёда ягона бўлган ушбу марказ зиммасига кинология хизматларини услубий таъминлаш, малакали кинологлар ва наслдор итларни тайёрлаш ва қайта тайёргарликдан ўтказиш каби вазифалар юклатилган. 1996 йилда ташкил этилган марказ ўтган давр мобайнида нафақат республикада, балки Марказий Осиё минтақасида кинологлар ва хизмат итлари тайёрловчи таянч ўқув марказига айланди. 2008 йилда марказ фаолияти юқсак баҳолини, Жаҳон божхона ташкилоти томонидан минтақавий марказ мақоми берилди.

Кинолог курсантлар бу ерда гиёҳванд моддалар, курул-аслаҳа ва портловчи

моддаларни қидириш, ҳимоя-қорув, из-қидирув, қидирув-қутқарув хизмати ва антитеррор каби йўналишларда назарий ва амалий тайёргарлик ишлари, махсус машғулотлар ўтказишда.

— Амалий машғулотлар ўтказиш учун марказимизда дала шароитини тўла-тўқис ўзида акс эттирувчи машқ майдонлари, мураккаб замонавий жиҳозлар билан таъминланган услубий хоналар кинолог курсантлар ихтиёрида, — дейди Миллий кинология маркази директори Парда Холёров. — Хозирда марказимизнинг 100 бош итга мўлжалланган питомнигида итларнинг Шарқий Европа овчаркиси, Урта Осиё овчаркиси, лобдор, инглиз коккер-спаниели, рус спаниели ва маленуа зотиға мансуб турлари етиштирилмоқда.

Марказнинг самарали фаолиятини қуйидаги рақамларда ҳам кўриш мумкин.



Сўнгги йилларда Миллий кинология маркази томонидан 2,5 мингдан ортиқ инспектор-кинологлар ўқув курсларидан ўтказилиб, 3,4 мингдан зиёд хизмат итлари тайёрлаб берилди. Ўтган давр мобайнида малакали

кинологлар ва хизмат итлари кўмағида 3 тоннага яқин гиёҳванд моддалар ушлаб қолинди ҳамда 303 та қонунбузарлик ҳолатларида гаразли кимсалар ва жиноятчилар томонидан турли ўқотар қуроллар ва портлов-

чи моддаларнинг юртимиз ҳудудига олиб ўтилишига чек қўйилди.

Шу ўринда, марказ томонидан БМТнинг Гиёҳванд моддаларни назорат қилиш ва жиноятларнинг олдини олиш бошқармасининг Марказий Осиёдаги минтақавий ваколатхонаси билан ҳамкорликда амалга оширилаётган дастур доирасида марказ ходимлари томонидан Туркманистон, Тожикистон, Қозғоғистон, Қирғизистон ва Эрон давлатлари божхона хизматлари учун махсус итлар тайёрлаб берилаётганини айтиш жоиз.

Шунингдек, анжуманда Франция, Австрия, Россия ва Латвия каби мамлакатларнинг юқори малакали кинологларининг тажрибалари хусусида ҳам сўз юритилиб, уларнинг фаолиятидаги шакл ва усулларида унумли фойдаланиш, шу асосда миллий методларни ишлаб чиқиш зарурлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Тадбир доирасида марказ бўйлаб экскурсия ташкил этилди.

Соҳиба СОЛИЕВА, "Qishloq hayoti" мухбири.

Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

«Uzkimyo sanoat» ДАК

Реклама

«МАХАМ-СНІСНІ»

Очиқ акциядорлик жамияти

ҲОСИЛДОРЛИКНИ ОШИРИШ — АСОСИЙ МЕЗОН

«Максам-Чирчик» ОАЖда қишлоқ хўжалиги самардорлигини оширувчи энг муҳим омиллардан бири деб эътироф этилган минерал ўғитлар ишлаб чиқариш ва янги турларни мукамаллаштириш борасида қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Қорхона мўл ҳосил етиштиришни мақсад қилган деҳқонлар, миришқору сабзавоткорларга инновацион дастур асосида ишлаб чиқарилаётган қуйидаги минерал ўғитларни таклиф этади:

ТЕХНИКАВИЙ МАГНИЙ СУЛЬФАТ

Краҳмал ва витаминлар миқдорини кўпайтириш ҳисобига картошка ва сабзавотлар таъмини яхшилайдиган, ҳосилдорликни оширадиган, таркибда олтингугурт бўлган самарали магнийли ўғитдир.

Бирон бир макро ёки микроэлементнинг етишмаслиги, ўсимликларда физиологик жараёнлар ва моддалар алмашинувиининг бузилишига, уларнинг нормал ривожланмаслигига, ҳосил миқдори қаймайиши ва унинг сифати ёмонлашишига олиб қалади. Озқ-элементадари етишмаганда ёки улар ортқича миқдорда бўлганда ўсимликларда турли хил ўзгаришлар содир бўлади. Жумладан, магний етишмаганда ўсимликларнинг яшил қисмларида хлорофил миқдори қаймайи, барг томirlари орасида хлороз бошланади. Ўсимликда магний кўпала етишмаганда барглр «мар-марсимон» бўлиб, бурлиб, тезда сарғайиб қолади.

Техникавий магний сульфат асосан иссиқхона шароитида етиштириладиган полиз экинлари, мевалар, декоратив дарахт ва гуллар учун мўлжалланган.

Техникавий магний сульфат тупроқни тайёрлашда азот ва фосфор ўғитлари билан бирга солинади.

- бодринг ва помидор остига - 7-10 г/м²,
- бошқа сабзавот ва манзарали экинлар остига - 12-15 г/м²,
- мевали дарахтлар остига (поя айланасига) - 30-35 г/м².

Ушбу ўғитни ўсимликларни илдиш ва илдишдан ташқари озиклантириш учун ҳам қўллаш мумкин. Вегетация даврида илдишларни магний сульфат эритмаси билан озиклантириш ҳар 15-20 кунда 10 литр сувга 25 грамм ҳисобидан ўтказилади.

Илдишдан ташқари озиклантириш эритмаси сепиш йўли билан ўтказилади: вегетация бошида - биринчи озиклантириш 10 литр сувга 15-20 грамм, вегетация ўртасида - иккинчи озиклантириш 10 литр сувга 30 грамм, вегетация охирида - учинчи озиклантириш 10 литр сувга 50 грамм.

Эритма сарфи ишлов бериладиган экинларга боғлиқ ва қуйидагиларни ташкил этади:

- сабзавот, бир йиллик гул экинларига - 1-1,5 л/м²,
- малина, смородина ва бошқа бута ўсимликларига - 1,5-2 л/м²,
- мевали дарахтларга 2-3 литр, ёш ва катта дарахтларга 5-10 литр миқдорда солинади.

Ушбу маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Умумий ва ноорганик кимё институти томонидан тасдиқланган сульфат магнийни қўллаш меъёрлари

Кўллаш меъёрлари: азот солишини йиллик меъёри 180 кг/га

«Максам-Чирчик» ОАЖда сифат бошқаруви тизими ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг халқаро стандарт ISO 9001:2008 талабларига жавоб беришига катта аҳамият берилмоқда.



бўлганда, сульфомочевина қуйидаги ҳисобда солинади: азотнинг йиллик меъёридан 35 фоиз - май ойида тупроққа ишлов беришда (63 кг), 35 фоиз - июнь ойида шохланишнинг бошланиш даврида (63 кг) ва 30 фоиз - июль ойининг охирида тўпланишнинг охирида (54 кг).

азот солишини йиллик меъёрида - 150 кг/га, сульфомочевина қуйидаги ҳисобда солинади: азотнинг йиллик меъёридан 35 фоиз - май ойида тупроққа ишлов беришда (52,5 кг), 35 фоиз июнь ойида шохланишнинг бошланиш даврида (52,5 кг) ва 30 фоиз - июль ойининг охирида тўпланишнинг охирида (45 кг).

ФОСФОМОЧЕВИНА

Фосфомочевина - бу карбамид ва аммофос минерал ўғитларини механик аралаштириш йўли натижасида олинган аралаштирилган ўғитдир. Таркибида 40 фоиз азот ва 3,5 фоиз Р₂О₅ бўлган фосфомочевина қишлоқ хўжалигида минерал ўғит сифатида фойдаланишга мўлжалланган. Карбамид таркибидаги азот - амид шаклида бўлади.

Фосфорли ўғитлар тупроқни фосфор заҳираларини билан тўйинтиришнинг ягона манбаи бўлиб ҳисобланади. Фосфорли ўғитлар ҳосилни кўпайтиради ва унинг сифатини яхшилайдиган, ўсимликлар етилишини тезлаштиради, уларнинг етиб қолиши ва қурқоқчиликка чидамлилигини оширади.

Фосфомочевинани узок таъсир этадиган асосий самарали азот-фосфор ўғити сифатида ёки турли тупроқларда барча сабзавот ва қишлоқ хўжалиги экинлари остига озука сифатида қўллаш тавсия этилади. Фосфомочевинани сабзавот ва мевали дарахтларга илдишдан ташқари озука сифатида ҳамда донларда оксил миқдорини ошириш мақсадида бугдойни кечки озиклантириш учун ҳам қўллаш мумкин.

Кўллаш меъёрлари:

1 м² майдонга солишини йиллик меъёри:

- картошка учун - 50,0 г/м²
- қарам учун - 50,0 г/м²
- помидор учун - 50,0 г/м²
- бодринг учун - 37,5 г/м²
- ёш мевали дарахтлар учун - 15-20 г/м²
- мевали дарахтлар учун - 15-30 г/м²

Илдишдан ташқари озиклантириш: картошка ва сабзавотлар учун 10 литр сувга 40-50 грамм фосфомочевина ҳисобидан эритма тайёрланади. Пуркаш бир марта - жадал ўсиш босқичи олдидан эрталаб ёки кечки салқинда ўтказилади. Мевали ва реза мевали экинлар учун 10 литр сувга 50 грамм фосфомочевина ҳисобидан эритма тайёрланади. Пуркаш вегетация даврида ўсимликлар кучсизланган пайтда, эрталаб ёки оқшом олдидан ўтказилади.

Фосфомочевина ёгингарчилик тушишдан сақлайдиган ёпиқ омборхоналарда сақланади.

Кўллаш меъёрлари: азот солишини йиллик меъёри 180 кг/га

Сурхондарё Вилояти

АМУР ЙЎЛБАРСИ, АФРИКА ШЕРИ, ҚЎНҒИР АЙИҚ...

ТЕРМИЗ ҲАЙВОНОТ БОҒИДА БУНДАЙ ҲАЙВОНЛАР ТУРИ 140 ДАН ОШИҚ

Ҳайвонот олами ер юзидаги муъжизалардан бири ҳисобланади. Кичкинтой фарзандларимиз мультфильмларда кўрган ва эртақларда эшитган йиртқин ҳайвонлар турисиди маълумотларини ҳайвонот боғлари янада бойитида. Уларнинг сим-тўрлар ортдан жимгина боқишларини кўриб, ҳайвонлар ҳам дўстга айланишади, деган мантқий хулосага боришади.

Термиз шаҳридаги ҳайвонот боғи ҳамиша одамлар билан гавжум бўлади. Чорак асрдан буён фаолият юритиб келаётган ушбу маскан 20 гектар майдонини эгаллаган бўлиб, боғда 141 турдаги ҳайвонларни учратасиз. Ҳайвонот боғи турли жониворлар билан бойиб бормоқда. Масалан, Амур йўлбарси, Африка шери, октирноқ айиқ, қўнғир айиқ, шунингдек, энг ноёб ҳолдор бугулар шулар қаторига

киради. Улар асраб-авайлаб кўпайтирилади. Баҳор ва ёз ойлари ҳайвонот боғи янада гавжум бўлади.

— Бу йил катта ҳаждаги ободонлаштириш ишлари олиб борилиб, 5 минг дон мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ҳамда 15 минг дон гул кўчатлари экилди, — дейди Термиз ҳайвонот боғи директори Баҳодир Тўшбоев. — Томошбинларга намунали хизмат кўрсатиш мақсадида

дастурли режалар ишлаб чиққанмиз. Бугун жамоанинг 45 нафар ишчи ва хизматчилари элга намунали хизмат қилишгаётганларидан мамнун. Ҳайвонот боғининг Абрай Маҳмадмуродов, Шерали Вафоев, Барно Ҳамидова, Зарина Ражабова, Уйғун Пардаев сингари фидойилари ўз меҳнатлари билан жамоада эътибор ва ҳурматга сазовор бўлишпти.

Турсун МАҲМАДАЛИЕВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ООО «MAX SMART DIZAIN» СООБЩАЕТ О ДЕКЛАРИРОВАННОЙ ЦЕНЕ НА «УСЛУГИ ТРАНСПОРТНОГО ТЕРМИНАЛА»

№ п/п	Наименование услуг	Единица измерения	Цена утвержденная органом ценового регулирования (сум)
1	Хранение в таможенном режиме грузов	тонна в сутки	743,84
2	Погрузка-разгрузка грузов транспортом грузоподъемностью 3,0 тн.в таможенном режиме	тонна операция	2627,71
3	Погрузка-разгрузка грузов рабочей силой в таможенном режиме	сум час	6028,96

Адрес: г. Ташкент ул. Паркентская 269.
Тел.: +998711405404

Утерный гужовик (реестр № 002711-03, 13.08.2007 г.) выданный Мирабасовым Хонимом, в тапке угловой шпал и круглую печать ООО «ASIA ENERGO KONTAKT», считать действительным.	Тошкент ш. Олмазор т. хромалиги ТСРПН томонидан (11.05.2011 й. реестр № 003272-05) рўйхатдан ўтган «SNACK-LIFE» МЧЖ (СТПР 301176373) Устав жамғармаси 41 907 000 сўмдан 37 507 000 сўмга қайтайтирилиши маълум қилади. Тел.: 311-51-15.
Утерный план дома, расположенного по адресу: г. Ташкент Алмазарский р-н ул. Чакчон туп. 4 д. 5, выданный БТИ Алмазарского р-на на имя Батировны Навои Хайдаровна, считать действительным.	Утерный план квартиры, расположенной по адресу: Мирабасовский р-н ул. Т.Шевченко д. 33 кв-ра 4, выданный БТИ Мирабасовского р-на на имя Абдукаримовны Дилфаруз Рузиевны, считать действительным.
Утерную шахматную О'Р-Е № 032840, выданную в 1998 г. ш. № 253 Юнусбадского р-на г. Ташкента на имя Исмаилов Ровшана Дукмаевича, считать действительным.	«HUKKA YSD» (ИНН 205718608) МЧЖне Устав фонди 9 875 000 сўмдан 2 600 000 сўмга қайтайтирилади.
«АКТИВ MANAGEMENT» МЧЖне Устав фонди 371 840 000,00 сўмдан 15 032 753,70 сўмга қайтади. Манзил: Тошкент ш. А.Темир кўч. 25-уй.	ООО «TAGIROVA FASHION» (ИНН 302018077), зарегистрированное отделение гос. регистрации субъектов предпринимательства хонимета Чиназарского р-на г. Ташкента, расположенное по адресу: Чиназар 2, 80, 13, ликвидировано (Протокол собрания № 1 от 14.06.2012 г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев с момента опубликования данного объявления по тел.: 357-07-88.
Утерные кадастровые документы дома расположенного по адресу: г. Ташкент Мирабасовский р-н Афросиёв д. 12 кв-ра 16, выданный БТИ Мирабасовского р-на на имя Пак Тамары, считать действительным.	Утерный аттестат о 9-классном образовании О'Р-Е № 0149396 от 2002 года, выданный ш. № 298 С.Рамонского р-на (ныне Алмазарского р-на) на имя Хайровской Зульфии Абдукаримовны, считать действительным.
Тошкент ш. Бектемир т. хромалиги хушроми ТСРПН томонидан рўйхатдан ўтган «PROSPERITY-FARM» ХОЖИ (ИНН 205787523) кукуйи шакли МЧЖга ўзгаришмоқда. Дилдор учун тел.: 295-26-20, 104-53-73.	ЧП «ARTUS» Чиназарского р-на г. Ташкента реорганизуется в ООО «ARTUS» Сергеевского р-на г. Ташкента. ООО «ARTUS» становится правопреемником ЧП «ARTUS» (ИНН 204420750).
Тошкент ш. Зангиот т. хромалиги хушроми ТСРПН томонидан рўйхатдан ўтган «POKDA NYAT» МЧЖга таълими дилдор мур йўлқоғилиги сабоки бекор қилинади.	Утерные устав и изменение к уставу с 1996 по 2011 год, ЧП «MERIDIAN-A» (ИНН 20057511) зарегистрированное отделение регистрации субъектов предпринимательства Зангиотенского района считать действительным.
«SMART TRAVEL» (ИНН 300808076, Р № 002530-09) МЧЖне Устав фонди 19 800 000 сўмдан 2 600 000 сўмга қайтайтирилади.	

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ	МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агроеконом комплекс таркибидagi ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирлик ва идоралар.	ТАХРИР ҲАЙЪАТИ: Зафар РҲЗИЕВ, Улугбек УЗОКОВ, Фарход ОМОНОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Муса АНОРБОВЕ, Абдуваҳоб ТАМИКАЕВ, Махмуд ТОИР, Халиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Омонкулла ЮСУПОВ, Анвар ҚУЛМУРОДОВ, Ренат НАЗАРОВ, Шерод ҲУЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМОВ (Масъул котиб).
---	--	--

Газета сешанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.	Буюртма Г-614, ҳажми 2 босма табоқ.	Офсет усулида босилди, қозғачи А-2.
--	-------------------------------------	-------------------------------------



«Uz CLAAS Service» МЧЖ

Германиянинг юқори унумли қишлоқ хўжалик техникалари ишлаб чиқарувчи «CLAAS» концерни томонидан Ўзбекистонда «CLAAS» қишлоқ хўжалик техникаларига сервис хизмати кўрсатиш ҳамда оригинал эҳтиёт қисмлар етказиб бериш учун расмий «Uz CLAAS Service» масъулияти чекланган жамияти ва вилотлар филиаллари ташкил қилинди.

Сифатли сервис хизмати ва айнан Германияда тайёрланган оригинал эҳтиёт қисмлар (оригинальные запасные части имеют галограмму на упаковке) учун жамиятнинг бош офисига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишингиз мумкин:

Тошкент шаҳри, Тошкент Автомобиль халқа йўли, 45. (мўлжал: Янгибод бозори) Тел.: (8-371) 230-93-77, (8-371) 230-93-74 Моб.: (8-598) 368-93-77 service@uzclaasservice.uz, info@uzclaasservice.uz

БИЗ СИЗНИНГ ТЕХНИКАНГИЗ ДОИМИЙ ХИЗМАТ ҚИЛИШИ ТАРАФДОРИМИЗ!



ТАҚРИРИЙ ЭКИНЛАР УЧУН КАПИТАЛЛАШТИРИЛГАН УРУҒЛАР

«AGRO-INVEST» Ўзбекистон-Сербия қўшма корхонаси тақририй экин учун Сербия давлатининг Дала ва полиз экинлари илмий институти томонидан яратилган, Ўзбекистон Республикаси далаларида синодан ўтган сифатли, эртапишар ва ҳосилдор

маккажўхори кунгабоқар (вегетация даври — 75-80 кун, ҳосилдорлиги — гектарига 8-10 тонна), (вегетация даври — 75-80 кун, ҳосилдорлиги — гектарига 3-4 тонна)

аурагайлари ва оял уруғларини таклиф қилади. (вегетация даври — 80 кун, ҳосилдорлиги — гектарига 3-4 тонна)

Тел.: (+99897) 778-48-27. Факс (+99871) 234-82-45.

www.sahena.uz

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-қаром билан рўйхатдан ўтказилган.	ISSN 2010-7021
---	----------------

Босишга топшириш вақти: 21.00 Босишга топширилди: 21.55 22419 нускада босилди. Нашр индекси — 144	Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй	E-mail: info@qishloqhayoti.uz qh02@rambler.ru
---	---	---

Телефонлар: Қабулхона — 236-58-83, Котибиёт — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими — 236-56-25, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 233-76-78, Манзил ва маърифат бўлими — 236-56-21, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 233-28-04, Факс — 233-44-43, 233-28-04, 233-29-93.	ХУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР: Қорақалпоғистон Республикаси — (8-361) 352-54-58; Андижон — (8-374) 970-99-13; Бухоро — (8-365) 593-27-57; Жиззах — (8-372) 366-61-16; Наманган — (8-369) 562-19-59; Фарғона — (+998-91) 137-06-83; Самарқанд — (+998-97) 756-68-27; Сирдарё — (8-367) 588-06-89; Тошкент — (+998-97) 800-29-61; Хоразм — (8-362) 520-69-14; Қашқадарё — (8-375) 229-17-29.
---	--

Газета тахририятнинг ўзида компьютерда теришти ва сақланади.	«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.	1 2 3 5
--	--	---------